



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА ЮҚОРИ ҲОСИЛЛИ ХОРИЖИЙ ШОЛИ НАВЛАРИНИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Комилов Шихназар Даврон ўғли¹

стажёр тадқиқотчи.

Норматов Абдували Убайдулла ўғли²

таянч докторант.

Усмонов Қобил Гаффор ўғли³

таянч докторант.

Тўхтасинова Дилобархон Махаматқодировна⁴

илмий ходим.

Қодиров Бахтиёржон Гулмухаммадович⁵

лаборатория мудири, қ.х.ф.ф.д., к.и.х.

1-2-3-4-5Шоличилик илмий тадқиқот институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7147836>

ARTICLE INFO

Received: 25st September 2022

Accepted: 27rd September 2022

Online: 30th September 2022

KEY WORDS

шоли, континентал, шўрланиш, рўвак, "Вьетнам-1", "Вьетнам-2".

ABSTRACT

Ушбу мақолада Хоразм вилояти туроқ-иқлим шароитларида юқори ҳосилли хорижий шоли навларини ўсиши ва ривожланиши масаласи ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган.

Шоли ер юзи аҳолиси учун қадимий ва қимматбаҳо экин турларидан бири бўлиб, шароит тақозоси билан турли усулларда экиб етиштирилади.

Ўзбекистон Республикасига хориждан келтирилган, яъни Вьетнам давлатидан келтирилган "Вьетнам-1" ва "Вьетнам-2" шоли навларини Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм

филиали тажриба майдонлари тупроқ – иқлим шароитига мослиги ва ривожланиш фазаларини ўрганиш мақсадида дала тажрибалари олиб борилди.

Хоразм вилоятининг кескин континентал иқлими ва шўрланган тупроқлари шароитида кузатув натижалари олинди.

1-жадвал)

№	Нав номлари	Экиган кун	Униб чиқиш	Тупланиш	Найчиқариш	Рўвакчиқариш	Гуллаш	пишиш		
								сут	мум	тўла
1	Вьетнам-1	2-май	10-май	8-июн	7-июл	13-июл	13-июл	25-июл	8-август	10-сентябр
2	Вьетнам-2	2-май	11-май	9-июн	10-июл	14-июл	14-июл	26-июл	10-август	10-сентябр



Ўзбекистон Республикасига Вьетнам давлатидан келтирилган “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навлари биринчи марта дала шароитида экиб ўстирилиб фенологик кузатувлар олиб борилди.

Хорижий “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навлари Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги тажриба далаларига 2021-йил 2-майда экилди. Бу навларни шолчилик илмий тадқиқот институти олимлар томонидан, маҳаллий навлар учун яратилган агротехнологик тадбирларга асосланган ҳолда етиштирилди.

Хорижий навлар уруғлари экилганидан сўнг 8-9 кунда тўлиқ униб чиқди. “Вьетнам-1” нави 11- май ҳолатига 3 та барг, “Вьетнам-2” нави 4 та барг ҳосил қилди. Маҳаллий навлар учун қулай бўлган шароитда хорижий навлар яхши туп қалинлигини ҳосил қилди, туплаш фазаси навларда 28, 29 кун давом этиб тупланиш битта ўсимликда 1,9 – 2,0% ни ташкил қилди. “Вьетнам-1” нави 8 та “Вьетнам-2” нави 9 та барг чиқариши билан най чиқариш фазаси бошланиб бу давр “Вьетнам-1” да 7-июл, “Вьетнам-2” да 10-июл байроқ барглари

чиқиши билан тугади. “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навлари 14-июлда тўлиқ рўвак чиқариб гуллади. “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навларида рўвак чиқариш бошланишидан гуллаб чангланиш тўлиқ тугашигача бўлган муддат 4-6 кун давом этиб, 14- июлда бошоқчалар тўлиқ шакилланди. Навларнинг рўваклари тўлиқ шакилландан кейин пишиш жараёни бошланиб сут пишиш даври 26-июлгача давом этиб “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навларида 12 кун давом этди. Мум пишиш даври навларда 12-13 кун давом этди. “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навлари тўлиқ пишиб етилиши учун 30-32 кунни талаб қилди. “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навлари 10-сентябрда тўлиқ пишиб етилди Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти тупроқ – иқлим шароитида Хорижий “Вьетнам-1” ва “Вьетнам-2” навлари 125-126 кунда тўлиқ пишиб етилиши аниқланди ва бу навлар ўртапишар навлар сқаторига киритилиб, навларни дон сифати, уруғлик сифат кўрсаткичлари, шўрланиш хамда қурғокчиликка чидамлилигини аниқлаш мақсадида тажрибаларимиз давом эттирилмоқда.